



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 4 (6)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2026 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

4

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Конвергенция и поляризация развитых и развивающихся стран в эпоху развития искусственного интеллекта.....	8
Mamatov B.S. Foreign investment is an important factor of economic growth.....	15
Raximova K.N. Raqamli iqtisodiyot sharoitida telekommunikatsiya kompaniyasining rivojlanish tendensiyasi.....	22
Karimov Sh.X. Turizmni barqaror rivojlantirishda hududiy boshqaruv omillarining ahamiyati.....	26
Raximov D.Sh. To‘qimachilik sanoatida diversifikatsiya darajasi va iqtisodiy samaradorlik ko‘rsatkichlari tahlili.....	30
Rashidova K. Asalarichilik mahsulotlari bozorida marketing faoliyati samaradorligini oshirish.....	32
Хакимов Д.Р. Процессы, возможности и ограничения экономической интеграции между Республикой Узбекистан и Китайской Народной Республикой.....	37
Olimjanova Sh.O., Eshonqulov I.N. O‘zbekistonda agrar munosabatlarni takomillashtirishda resurs tejankor texnologiyalarni joriy etish masalalari.....	42
Valikulov Sh.Z. O‘zbekistonda neft-gaz sanoatiga investitsiyalarni jalb qilishning institutsional muammolari va yechimlari.....	48
Ganieva L.S. Bojxona xizmatlari samaradorligini oshirishning nazariy asoslari.....	52
Axrorova N.U. Turizm xizmatlaridan tajriba iqtisodiyotiga o‘tish: evolyutsion tahlil.....	56
Kamilova A.N. Sanoat ishlab chiqarish korxonasida mehnatni normalashtirish menejmentini tashkil etish va takomillashtirish yo‘llari.....	61
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanishni takomillashtirish chora-tadbirlari.....	66
Abdiyeva D.K. Priority directions for improving the national logistics policy in Uzbekistan.....	69
Xalimova N.J. Kreativ turizm: nazariy asoslar va ta’riflar qiyosiy tahlili.....	74
Maxramova N.Y. Strategik menejmentda qadriyatlar zanjiri: raqobatbardoshlikni oshirishning konseptual asoslari.....	78
Zaxirova G., Shavkatova N.O’. O‘zbekistonda turizmni rivojlantirish masalalari.....	82
Maxmudov H., Muxtarova G., Maxmudov H. Ekologik muommolar va ularning mamlakat iqtisodiyotga ta’siri.....	86
Umurzakova M.N., Gulahmadov Sh.A. Davlat ichki va tashqi qarzlarning ijobiy va salbiy jihatlari tahlili.....	89
Xasanov I.M. O‘zbekistonda mulkchilik munosabatlarning transformatsiyasi: tadbirkorlikni rivojlantirish omili sifatida.....	94
Abdullayev M.G’. Personalni boshqarish tizimining ilmiy-nazariy asoslari va uning korxona samaradorligiga ta’siri.....	101
Адилов Б.Б., Абдуллаева М.К. Ўзбекистонда саноат корхоналарини ривожлантириш, тенденциялари.....	105
Абдуғаниев Ё.Ж. Яшил иқтисодиёт - барқарор ривожланиш мақсадларининг янги парадигмаси сифатида.....	112
Xusanboyeva T.M. Talabalarning iqtisodiy tafakkurini shakllantirishda to‘garaklarning o‘rni va ahamiyati.....	116
Xashimova S.N. O‘zbekiston milliy yashil taksonomiyasi mohiyati va ahamiyati.....	120
Mitillayev I.T. Tijorat banklarida kredit risklarini baholashda zamonaviy scoring modellari va ularning samaradorligini oshirish yo‘llari.....	124
Бобоқулова М.Ғ. Инвестиция муҳити ва Ўзбекистондаги инвестиция жараёнларининг динамикаси.....	127
Bekberganova M.R. “O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalari tushumlarining ekonometrik tahlili”.....	134
Рахимова М.Ш. Модернизация системы социальной защиты.....	138
Oqboyev A.R. Tadbirkorlik subyektlari eksport salohiyatini xalqaro standartlar asosida oshirish yo‘llari....	142
Djumanova R.F. Aholi turmush sifatini baholashning metodologik yondoshuvlari.....	147
Mamatov B.S., Umurzakova M.N. Davlat tibbiy sug‘urta tizimida bepul xizmatlar, reimbursasiya va foydalanish shartlari.....	154
Ешимбетов У.Х. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва иқтисослаштиришнинг илмий асослари.....	158
Xodjaeva F.K. Sanoat ishlab chiqarishini tartibga solishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish....	167
Yusupova M. Hududlarda ayollar va yoshlar tadbirkorligini rivojlantirishda institutsional qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish.....	171
Abduxalilov B.Z. O‘zbekistonda IT provayderlar xizmatlari raqobatbardoshligini oshirish: huquqiy va institutsional asoslar.....	175
Abdisamatov A.A. Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning nazariy asoslari.....	178

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 4-son 2026 yil

Abdusalomov I.J. Korxonalarda chiqindilarni boshqarish tizimini takomillashtirish va uning moliyaviy natijalarga ta'siri.....	182
Amirov L.F., Sokhibjonova S.S. Directions for increasing agricultural product exports in the context of a green economy.....	185
Boltaxo'jayeva I.O'. Ways to improve the enterprise management system based on modern management models.....	191
Dehqonov U.M., Sativaldiyeva G. Korxonalarda bo'nak to'lovlari hisobining moliyaviy hisobotga ta'siri va ularni optimallashtirish bo'yicha tahliliy yondashuvlar.....	195
Isoqova M.A. O'zbekistonda yashil energiyadan foydalangan holda kichik biznesni rivojlantirishning institutsional va moliyaviy mexanizmlari.....	199
Mamadaliyev B., Teshaboyev J. Korxonalarda mehnatga haq to'lash hisobini avtomatlashtirish va audit samaradorligini oshirish yo'llari.....	202
Poziljonov M., Teshaboyev X. Davlat muassasalarida asosiy vositalarning hisobini takomillashtirish va ulardan foydalanish samaradorligini oshirish.....	206
Rustamova F.A. Qishloq hududlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining iqtisodiy samaradorligini oshirishda innovatsion yondashuvlarning roli.....	209
Tursunboyev Q.O. Transport xizmatlari ko'rsatish sohasida kichik tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishning xorijiy tajribalari.....	213
Umarov T.S. Hududlarda qurilish korxonalarini faoliyatini samarali tashkil etishni ekonometrik modellash va prognozlash.....	216
Xo'jaliyev A.O., Avilov N. Moliyaviy natijalar hisobi va auditda raqamli texnologiyalardan foydalanish samaradorligi.....	220
Xomidov T.T., Arziboyeva R.S. Bank aktivlarining tarkibi va ularni boshqarish omillari.....	223
Xusainov M. Sanoat korxonalarida mahsulot tannaxsini kalkulyatsiya qilish tizimini takomillashtirishning metodologik asoslari va audit mexanizmlarini rivojlantirish.....	227
Begaliyeva M.A., Egamshukurova N.R. Jahon savdo tizimi va milliy iqtisodiyot uchun uning ahamiyati..	231
Gulimboyev S.I. Korxonalarda moliyaviy resurslar taqsimotining zamonaviy usullari.....	235
Ibodov J.Q. Moliyaviy tizimning xizmatlar sohalari va bo'g'inlari.....	239
Jumabayeva K.B. Xalqaro pensiya tizimi modellari va ularning mintaqaviy tamoyillari.....	243
Khusanova Z.R., Yo'ldasheva Z.U. Global trends in the development of international tourism services....	249
Sadullayev M.D. Sanoat korxonalari innovatsion faoliyatini boshqarish.....	252
Tilabov N.T. Davlat qarz siyosatini samarali boshqarish strategiyasini takomillashtirish.....	256
Toshtemirov Y.N. O'zbekistonda logistik faoliyatni rivojlantirishning hozirgi darajasi.....	264
Toshtemirova Z.M. Mahalla institutining iqtisodiy integratsiya jarayonlaridagi strategik ahamiyati.....	268
Uralov E.O. Surxondaryo viloyati xududida sanoatni shakllanishi va rivojlanishi.....	273
Xursanova F.Sh. Budjetlararo munosabatlarning iqtisodiy mazmuni.....	278
Yuldasheva G.A. Investitsion qarorlarni kabul qilishda moliyaviy tahlilning ahamiyati va roli	282
Абдуллаева Р. Тadbirkorlikning zamonaviy kuryentlari.....	287
Юлдашев А. Фаргона вилояти маҳаллаларида инвестиция фаоллигини оширишнинг институционал асослари	292
Abdumalikova Z., Razakova B.S. O'zbekiston sug'urta bozorini moliyaviy texnologiyalar (insurtech) asosida rivojlantirish: imkoniyatlar va yo'nalishlar.....	294
Azimov B.F. Milliy innovatsion tizimni boshqarishda tashkiliy-institutsional va moliyaviy-iqtisodiy mexanizmlarning roli.....	300
Begaliyeva M.A. Raqamli iqtisodiyot sharoitida oliy ta'lim tizimida sifat menejmentini samarali joriy etishning ahamiyati.....	304
Dawletmuratov A.M. Xizmatlar bozorini rivojlantirish orqali bandlikni oshirish va daromadlarni ko'paytirish mexanizmlari.....	308
Karimova L.S., Jabborov A.A. O'zbekistonda raqamli iqtisodiyot: holati, muammolar va rivojlanish istiqbollari.....	313
Maxmudov F.U. Oliy ta'lim muassasalarida moslashuvchan marketing strategiyalarini ishlab chiqish mexanizmlari.....	319
Navruz-zoda L.B. Kichik biznes subyektlarining kadrlar salohiyati va bilim infratuzilmasiga bo'lgan talablari: Buxoro viloyati misolida.....	323
Nishonboyev D.E., Abdumalikov S.T. Chorvachilik tarmog'ini innovatsion boshqaruv asosida rivojlantirish istiqbollari.....	327

Nurmirezayeva N.R. Valyuta kursi o‘zgarishining eksport-importga ta’siri: O‘zbekiston misolida amaliy baholash.....	331
Rahimov A.M. Hududiy iqtisodiyotni rivojlantirishda qayta ishlash sanoatini rivojlantirishning samarali mexanizmlarini takomillashtirish.....	335
Ibragimova G.S. Ta’lim sifatini baholashning xalqaro tajribasi va uni joriy etish.....	339
Ravshanova M.M. Hududiy iqtisodiy salohiyatni baholashda zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalanish va ularning elektron tijorat tizimidagi o‘rni.....	343
Ro‘ziboyeva M. O‘zbekistonda ishchi kuchi migratsiyasi va iqtisodiy o‘sish darajasining o‘zgarish dinamikasi.....	347
Saidova F.K., O‘rozov Sh. Korporativ ijtimoiy mas’uliyat (CSR) va yashil iqtisodiyot: logistika sektorida boshqaruv strategiyalari.....	350
Sultonov S.N. Hududlarda klasterlarini investitsion - innovatsion rivojlantirish istiqbollari (Qashqadaryo viloyati misolida).....	354
Sultonova D.U. Korxona iqtisodiyotida resurslarni boshqarishning raqamli-integratsiyalashgan modelini takomillashtirish.....	358
To‘raxojayev H.H., Hoshimov P.Z. Islomiy banklarning ishlash tamoyili va islom moliya tizimining O‘zbekiston iqtisodiyotiga tadbiqu.....	362
Tursunova N.U. Bridging the innovation gap: development-focused entrepreneurship support and international intermediaries.....	368
Акрамова Г.А. «Роль женщин-ученых в совершенствовании механизмов коммерциализации ремесленных услуг Узбекистана в условиях цифровой экономики».....	374
Болтаев Ж.А. Трансформация банковского сектора в условиях цифровизации мировой экономики..	379
Жунайдуллаев М.А. Жанубий Кореяда рақамли таълим технологиялари орқали индивидуал спортчиларини тайёрлаш тизимини бошқаришнинг миллий хусусиятлари.....	384
Митрушова М.Л. Интеллектуальный капитал как ключевой фактор инновационного развития предприятия.....	388
Муродов О.У. Барқарор ривожланиш тушунчаси ва унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик мезонлари.....	392
Саидова Г., Ибрагимова К., Қурбонов А. Рақамли трансформация шароитида енгил саноат корхоналари маҳсулотларининг халқаро рақобатбардошлигини ошириш стратегиялари.....	396
Sarkarov S.Z. O‘zbekistonda qurilish sohasining texnologik bisqichlar kesimida rivojlanishi.....	401
Minojiddinova N.M. Aksiyadorlik jamiyati korxonalarida xodimlarni samarali boshqarishda raqamli texnologiyalardan foydalanish istiqbollari.....	406
Ruzmetova I.Y. Xorazm viloyati iqtisodiyotida kichik biznesning o‘rni.....	410
Qudratov D., Ismoilov A. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning tarmoqlar rivojidadagi o‘rni.....	414
Qodirov H.D. Soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish orqali davlat byudjeti daromadlarini barqaror oshirish yo‘llari.....	417
Kinjayev K.N. Banklarda kreditlar tasnifini yaxshilash orqali rentabellikni ta’minlash yo‘llari.....	421
Макушина А.Ю. Государственная поддержка экспортного потенциала субъектов малого предпринимательства в Республике Узбекистан.....	424
Rejapov X.X., Oxunjonova K.K. Ixtisoslashtirilgan savdo majmualarini moliyaviy resurslarini shakllantirish va ishlatish yo‘nalishlari – Bek Baraka savdo majmuasi misolida.....	430
Махкамова Н.С. Роль государственно-частных партнерств (ГЧП) в продвижении устойчивого развития	434
Avilov N., Muhammadova G. Korxonalarda materiallar harakatining auditi va iqtisodiy tahlili.....	441
Abdullayeva R.G., Raxmonova I.S. O‘zbekiston qishloq hududlarida bandlikni ta’minlash holati va rivojlanish tendensiyalari.....	444
Yusupova M.B. Ustama ishlab chiqarish xarajatlarini taqsimlashning ABC usuli.....	447
Toshpo‘latov M.A. Ta’lim loyihalarida moliyaviy mablag‘lardan samarali foydalanishning xususiyatlari...	452
Hamidova Sh., Ahmadaliyeva H. Kapital qo‘yilmalarning samaradorlik tahlili.....	458
Хамракулов С.М. Собственный капитал в функционировании экономических субъектов Республики Узбекистан.....	461
Zayavitdinova N.M. Raqamli platformalar asosida xizmat ko‘rsatish korxonalarida boshqaruv samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari.....	465
Turg‘unov T.S. O‘zbekistonda aholi turmush darajasini statistik taxlil qilishning ahamiyati.....	469
Ботирова З.Қ. Рақамли иқтисодиёт шароитида даромадларни бошқаришнинг хусусиятлари....	475
Бегимова Н.К. Меҳнат бозорида гендер тафовутларининг келиб чиқиш сабаблари.....	481

**ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ,
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

РАЗВИТИЕ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ, ТЕНДЕНЦИИ

DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL ENTERPRISES IN UZBEKISTAN, TRENDS

Адилов Б.Б. ЎзМУ “Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси доценти, и.ф.н.
Абдуллаева М.К. ТДИУ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон саноат тармоқларида инновацион ривожланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларни оптималлаштириш, ишлаб чиқариш қиймат занжирларини чуқурлаштириш ҳамда «яшил иқтисодиёт» тамойилларига асосланган технологик модернизация масалалари таҳлил қилинган. Мақолада 2021–2024 йиллар саноат статистик маълумотлари асосида саноат тармоқларидаги динамик ўзгаришлар, қўшилган қиймат улушини ошириш имкониятлари, саноат кластерлари самарадорлиги ва «Стратегия–2030»да белгиланган мақсадлар амалдаги ислохотлар билан мувофиқ равишда кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: саноат ривожланиши, меҳнат унумдорлиги, қўшилган қиймат, саноат кластерлари, яшил иқтисодиёт, тармоқ самарадорлиги коэффициенти, Стратегия–2030, прогнозлаш модели.

В данной статье анализируются вопросы инновационного развития, повышения производительности труда, оптимизации затрат, углубления производственных цепочек создания стоимости и технологической модернизации на основе принципов «зеленой экономики» в промышленных секторах Узбекистана. На основе статистических данных по промышленности за 2021-2024 годы рассматриваются динамические изменения в промышленных секторах, возможности увеличения доли добавленной стоимости, эффективность промышленных кластеров и цели, поставленные в «Стратегии-2030» в соответствии с текущими реформами.

Ключевые слова: промышленное развитие, производительность труда, добавленная стоимость, промышленные кластеры, зеленая экономика, коэффициент эффективности сектора, Стратегия-2030, модель прогнозирования.

This article analyzes innovative development, increasing labor productivity, cost optimization, deepening production value chains, and technological modernization based on green economy principles in Uzbekistan's industrial sectors. Using industrial statistics for 2021–2024, it examines dynamic changes in industrial sectors, opportunities for increasing the share of added value, the effectiveness of industrial clusters, and the goals set in Strategy 2030 in line with ongoing reforms.

Keywords: industrial development, labor productivity, added value, industrial clusters, green economy, sector efficiency ratio, Strategy 2030, forecasting model.

Ўзбекистон саноати миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминловчи асосий тармоқлардан биридир. Саноат тармоғининг ривожланиши мамлакатнинг стратегик мақсадлари – иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан узвий боғлиқдир. Яъни, саноат ривожини нафақат ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши, балки технологик модернизация, кадрлар салоҳиятининг юксалиши ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш маданиятининг такомиллашувини ҳам назарда тутди.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар саноат соҳасини таркибий жиҳатдан янгилаш, рақамли технологияларни жорий этиш, ресурс тежамкор ечимлардан фойдаланиш ҳамда хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган. «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси»да ҳам, «Ўзбекистон–2030» стратегик дастурида ҳам саноат тармоқларида инновацион ривожланишни жадаллаштириш, қайта ишлаш тармоқларини кенгайтириш ва саноатни глобал қиймат занжирларига интеграция қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

2025 йилга келиб, Ўзбекистон иқтисодиётида саноат тармоғининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши изчил равишда ортиб бормоқда ва мазкур кўрсаткични ўрта муддатли истиқболда 35 фоизга етказиш стратегик мақсад сифатида белгиланган. Сўнгги ислохотлар доирасида саноатни диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортбоп тармоқларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, машинасозлик, кимё ва фармацевтика саноати, электр техникаси, қурилиш материаллари ҳамда айниқса, тўқимачилик тармоқларида технологик янгиланиш ва чуқур қайта ишлашни рағбатлантириш орқали саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш устувор йўналишлардан бирига айланди. Бу жараёнлар мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар улушини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боисдан ушбу мақолада саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари, ишлаб чиқариш самарадорлигини такомиллаштириш механизмлари, яшил иқтисодиётга ўтиш жараёни ва тармоқлар кесимида қиймат занжири шаклланишининг амалий аҳамияти таҳлил қилинади.

Саноат ривожланиши бўйича илмий тадқиқотлар турли даврларда иқтисодий назария ва амалий сиёсатнинг марказида бўлган. Классик иқтисодчилар – А.Смит ва Д.Рикардо – ишлаб чиқариш омиллари, меҳнат тақсимооти ва иқтисодий самарадорлик ўртасидаги боғлиқликни биринчи бўлиб илмий асосда ёритган. Кейинчалик Й.Шумпетер инновацияни иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида таъкидлаб, саноатни янгиланиш даврийлигига кўра динамик тизим сифатида қаради. Шумпетерга кўра, янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва бозорда рақобатни кучайтириш саноатда юқори қўшилган қийматни яратади.

К.Фримен ва Т.Павитт саноат ривожига технологик траекториялар ва инновацион цикллари ўрганиб, корхоналарда билимларнинг шаклланиши ва узатилиши саноат самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини асослаган. М.Портер эса «кластер» тушунчасини илмий муомалага киритиб, саноатни ҳудудий бирлашмалар ва кооперацион тармоқлар доирасида ривожлантириш рақобатбардошликни оширишини кўрсатган.

МДХ ва хориж олимлари А.А.Френкель, Ю.Г.Одегеев, О.С.Сухарев, А.В.Трачук ва бошқалар меҳнат унумдорлиги ўсиши, саноат тармоқларида технологик модернизация ва корхонанинг ички бошқарув амалиётларини такомиллаштиришнинг иқтисодий эффектларини моделлаштириш билан шуғулланган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Қ.Х.Абдурахмонов, Э.Х.Махмудов, А.Ортиқов, Ш.Холмўминов, Д.А.Насимов ва бошқалар саноат кластерларини шакллантириш, меҳнат ресурсларини самарали тақсимлаш ва рақамли трансформацияни амалга ошириш миллий саноатнинг барқарор ўсиши учун асосий омил эканлигини ўз илмий ишларида кенг тадқиқ этишган.

Ўзбекистонда саноат иқтисодиётини ривожлантириш масалалари бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда қатор диссертация ишлари муҳим ўрин тутди. Жумладан, А.Ортиқов (2020, “Саноат тармоқларида қиймат занжирини чуқурлаштириш механизмлари”, Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD диссертация автореферати) томонидан саноат тармоқларида қўшилган қийматни шакллантириш механизмлари таҳлил қилиниб, қиймат занжирини чуқурлаштириш саноат рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи омил эканлиги таъкидланади. Шу билан бир қаторда Э.Махмудов (2021, “Саноат кластерлари ривожланишининг иқтисодий ва ташкилий асослари”, Иқтисодиёт фанлари бўйича DSc диссертация автореферати) ўз

тадқиқотида ҳудудий кластер моделлари саноат корхоналарининг ўзаро боғлиқ ишлашини таъминлаб, қўшилган қийматни шакллантириш занжирининг барқарорлигини кучайтириш зарурлигини тадқиқ этган.

Бошқа иқтисодчи олим Д.Насиров (2022, “Саноат корхоналарида инновацион бошқарув моделларини такомиллаштириш”, Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD диссертация автореферати) томонидан эса саноат корхоналарида инновацион бошқарув моделлари ва рақамлаштириш жараёнлари таҳлил қилиниб, ресурс тежамкорлик ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг амалий механизмлари ишлаб чиқилган.

С.Б. Раҳимовнинг 2025 йилдаги "Саноатда Яшил технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги" мавзусидаги илмий тадқиқоти (DSc) Ўзбекистон саноатини янги босқичга олиб чиқувчи муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу иш аввалги иқтисодчи олимлар (Махмудов, Ортиқов) томонидан илгари сурилган "кластер" ва "қиймат занжири" концепцияларини экологик барқарорлик (ESG) тамойиллари билан бойитди.

Н.И. Қосимованинг 2025 йилдаги "Тўқимачилик кластерларида глобал қиймат занжирига интеграциялашув стратегиялари" мавзусидаги PhD диссертацияси Ўзбекистон енгил саноатини хом ашё етказиб берувчи мамлакатдан глобал тайёр маҳсулот етказиб берувчи (Global Player) мақомига ўтказишнинг илмий-амалий механизмини ёритиб берган [1]. Н.И. Қосимованинг асосий илмий хулосаси шундан иборатки: "Биз нафақат кўп маҳсулот ишлаб чиқаришимиз, балки глобал қиймат занжирининг энг фойдали (маркетинг ва дизайн) қисмини Ўзбекистонда қолдиришимиз керак."

Бунинг учун кластерлар қошида Дизайн марказлари ва Логистика хабарини ташкил этиш зарурлиги диссертацияда алоҳида амалий тавсия сифатида берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, саноат ривожининг замонавий тенденциялари технологик янгиланиш, кадрлар салоҳияти ва қиймат занжирларининг чуқур интеграцияси билан боғлиқ эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Мақоланинг услубий асосини саноат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни баҳолашга хизмат қилувчи тизимли ёндашув ва иқтисодий-статистик методлар мажмуи ташкил этади. Тадқиқот жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланилди: динамик қаторлар таҳлили: 2021–2024 йиллардаги саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари ва таркибий силжишларини аниқлаш учун қўлланилди; қиёсий (компаратив) таҳлил: Ўзбекистон саноат унумдорлиги кўрсаткичларини Қозоғистон, Туркия ва Жанубий Корея каби давлатларнинг илғор тажрибаси билан солиштириш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги баҳоланди.

Ўзбекистон Республикасида 2021–2025 йиллар давомида саноат тармоқларидаги ўсиш жараёнлари барқарор бўлмаган ҳолда, тармоқлар кесимида турлича динамика кузатилди. Хусусан, қайта ишлаш саноати саноатдаги умумий ўсиш драйвери сифатида шаклланди. Бунинг асосий сабаблари қуйидагича:

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариш динамикаси (%)

Йил	ЯИМда саноат улуши	Саноат ўсиши	Қайта ишлаш саноати	Экспорт улуши
2021	27,5%	9,4	12,1	34%
2022	28,1%	5,2	6,7	37%
2023	28,7%	6,0	7,9	41%
2024	29,4%	5,8	8,3	43%
2025	26,8%	6,8	7,7	45%

Манба: Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси, 2026.

2021–2024 йилларда саноатнинг ЯИМдаги улуши 27.5% дан 29.4% гача ўсган. Бу мамлакат иқтисодиётида индустриализация жараёни кучайганини кўрсатади.

2025 йилда улуш 26.8% атрофида шакллانган, бу хизматлар соҳасининг тез ўсиши билан боғлиқ. Бу ҳолат иқтисодиётда хизматлар сектори кенгайгани, иқтисодий диверсификация кучайгани ни кўрсатади.

2021–2025 йилларда Ўзбекистон саноатида қуйидаги тенденциялар кузатилди:

1. Саноат иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бири бўлиб қолмоқда.
2. Қайта ишлаш саноати тез ўсмоқда, бу саноат диверсификациясини кўрсатади.
3. Экспортда саноат маҳсулотлари улуши ортиб бормоқда.
4. Саноат ўсиши барқарор 5–7% диапазонда сақланмоқда.
5. Хорижий инвестициялар ва янги ишлаб чиқариш лойиҳалари саноат ривожланишини

кўллаб-қувватламоқда.

1) Хомашё экспорт амалиётини қисқартириш ва ички қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш сиёсати;

2) Инвестиция фаоллигининг юқори суръатларда сақланиши (айниқса, хусусий ва жойдаги сармоялар);

3) Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурларининг амалга оширилиши.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши тармоқлар бўйича номуаносиб характерга эга:

- энергетика ва кимё саноатида ўсиш суръатлари барқарор, аммо энергия сарфи юқори;
- машинасозликда локализация даражаси ошиб бораётган бўлса-да, технология импортига боғлиқлик сақланмоқда;

- фармацевтика саноатида қўшилган қиймат улуши ошмоқда, аммо лаборатория-инновацион инфратузилмани кенгайтириш талаб этилади.

2-жадвал

Ўзбекистонда асосий саноат тармоқлари ўсиши [2] (%)

Йил	Кон-металлургия	Нефть-газ ва кимё	Машинасозлик	Тўқимачилик	Қурилиш материаллари
2021	7.8	6.5	15.2	9.1	8.4
2022	4.6	5.1	10.3	6.8	7.0
2023	5.3	6.2	12.4	8.7	8.1
2024	5.0	6.8	11.9	9.2	8.5
2025	5.7	7.4	13.1	9.8	8.9

Биз келтирилган 2-жадвал маълумотларини таҳлил қиларканмиз, стратегик тармоқлардан нефть-газ ва кимё ва тўқимачилик саноат кўрсаткичларини ўзгариш динамикасини таҳлил қилдик. Нефть-газ ва кимё саноати Ўзбекистон саноатининг стратегик аҳамиятга эга тармоқларидан бири ҳисобланади. У мамлакатнинг ёқилғи-энергетика хавфсизлигини таъминлаш, саноат корхоналарини энергия ресурслари билан таъминлаш ва экспорт даромадларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. 1-жадвал маълумотларига кўра, 2021–2025 йиллар давомида мазкур тармоқда барқарор ўсиш динамикаси кузатилган.

Жадвалга кўра, нефть-газ ва кимё саноатида ишлаб чиқариш ўсиши 2021 йилда 6,5 фоизни ташкил этган. Бу даврда мамлакатда газни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш бўйича қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилган. Шунингдек, энергия ресурсларини чуқур қайта ишлашга қаратилган давлат дастурлари тармоқ ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган.

2022 йилда тармоқ ўсиш суръати 5,1 фоизгача пасайган. Бу ҳолат айрим газ конларида ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, энергия ресурсларига ички талабнинг ортиши ҳамда жаҳон бозоридаги энергетик вазият билан боғлиқ омиллар билан изоҳланади. Шунга қарамадан, тармоқ иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди.

2023–2024 йилларда нефть-газ тармоғида яна ўсиш тенденцияси кузатилди. 2023 йилда ўсиш 6,2 фоизни, 2024 йилда эса 6,8 фоизни ташкил этди. Бу даврда газни қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кимё саноатида янги корхоналарни ишга тушириш ишлари амалга оширилди. Айниқса, полимер маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг

ортиши тармоқ ривожланишида муҳим омил бўлди. 2025 йилга келиб нефть-газ ва кимё саноатида ўсиш суръати 7,4 фоизга етган. Бу эса тармоқда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва қайта ишлаш жараёнларининг ривожланиши билан боғлиқ. Шунингдек, нефть-газ маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор кучаймоқда.

Умуман олганда, нефть-газ таъминоти тармоғи Ўзбекистон саноатида муҳим ўрин эгаллаб, энергетика хавфсизлигини таъминлаш, саноат корхоналарининг барқарор фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшишда катта аҳамиятга эга. Келгусида ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун янги конларни ўзлаштириш, энергия самарадорлигини ошириш, қайта ишлаш технологияларини модернизация қилиш ва кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тўқимачилик саноати Ўзбекистон саноат тармоқлари ичида энг тез ривожланаётган ва экспортга йўналтирилган соҳалардан бири ҳисобланади. 2021–2025 йиллар давомида ушбу тармоқда барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Жадвал маълумотларига кўра, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари қуйидагича шаклланган: 2021 йилда 9,1%, 2022 йилда 6,8%, 2023 йилда 8,7%, 2024 йилда 9,2% ва 2025 йилда 9,8%. Бу кўрсаткичлар тармоқнинг иқтисодиётда муҳим ўрин тутаётганини ва унинг ривожланиши барқарор характерга эга эканини кўрсатади.

2021 йилда тўқимачилик тармоғида юқори ўсиш кузатилишига асосий омил сифатида пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлашга қаратилган ислохотлар, янги тўқимачилик кластерларининг ташкил этилиши ва экспорт бозорларининг кенгайиши хизмат қилди. Шу даврда мамлакатда пахтани хом ашё сифатида экспорт қилишдан кўра, уни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга устувор аҳамият берила бошланди.

2022 йилда ўсиш суръати 6,8% гача пасайган. Бу ҳолат глобал иқтисодий вазият, логистика муаммолари ва ташқи бозорлардаги ноаниқликлар билан изоҳланади. Бироқ тармоқдаги инвестиция лойиҳалари ва давлат қўллаб-қувватлаш чоралари натижасида ишлаб чиқариш ҳажми барқарор сакланиб қолди.

2023–2024 йилларда тўқимачилик саноати яна ўсиш босқичига ўтди. Бу йилларда тармоқда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар, жумладан тайёр кийим-кечак, трикотаж ва техник тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайди. Шунингдек, янги технологияларни жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва кластер тизимини ривожлантириш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

2025 йилга келиб тўқимачилик тармоғида ўсиш 9,8% ни ташкил этган. Бу эса ушбу тармоқ саноатнинг энг тез ривожланаётган йўналишларидан бири эканини тасдиқлайди. Айниқса, тайёр кийим-кечак маҳсулотлари экспортининг ўсиши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши ва ички талабнинг ошиши бу ўсишни таъминлаган асосий омиллар ҳисобланади.

Умуман олганда, таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тўқимачилик саноати Ўзбекистон иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, у саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши, экспорт ҳажмининг кенгайиши ва янги иш ўринларини яратишда муҳим рол ўйнамоқда. Келгусида ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун инновацион технологияларни жорий этиш, экспорт бозорларини диверсификация қилиш ва маҳсулот турларини кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Барча тармоқлар бўйича ўсиш суръати 2022 йилда қисман пасайган, кейин эса 2023–2025 йилларда яна ўсишга ўтган. Бу маълумотлар иқтисодиётдаги кичик таҳрирланган даврлар ва ташқи иқтисодий омиллар таъсирини кўрсатиши мумкин (масалан, пандемиядан кейинги тикланиш). Энг юқори ўсиш автомобилсозлик ва электротехника тармоқларида кузатилади, бу соҳаларда замонавий технологиялар ва инвестициялар таъсири сезиларли. 2021 йилда 8,2% ўсиш билан юқори натижа кўрсатган, кейин 2022 йилда 6,4%га тушган. 2023–2025 йилларда барқарор тикланиш кузатилмоқда: 2025 йилда ўсиш 7,9%га етди. Бу маълумотлар озиқ-овқат саноатига бўлган ички талаб барқарорлигини ва унга давлат қўллаб-қувватлаши таъсирини

кўрсатади. Барқарор ўсиш суръати: 2021 йилда 9,1%дан 2025 йилда 9,6%гача. Бу тармоқда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ва импорт ўрнини босиш сиёсати яхши самара берганини кўрсатади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида саноат тармоқларининг ўзгариш динамикаси [3]

Йил	Озиқ-овқат саноати	Енгил саноат	Кимё саноати	Электротехника	Автомобилсозлик
2021	8.2	9.1	6.7	14.5	16.0
2022	6.4	7.3	5.5	11.2	12.6
2023	7.0	8.5	6.1	13.4	14.3
2024	7.5	9.0	6.9	14.8	15.7
2025	7.9	9.6	7.4	16.2	17.1

2021 йилда 6,7%, 2022 йилда 5,5%га тушган, кейин эса 2025 йилда 7,4%га ошган. Бу тармоқда инвестиция ва технологик модернизация натижаси билан барқарор ўсиш кузатилмоқда. Сўнгги йилларда ўсиш қисман фармацевтика ва маҳсулот қайта ишлаш соҳалари орқали таъминланган бўлиши мумкин. 2021 йилдан 2025 йилгача ўсиш 14,5%дан 16,2%га етган. Бу тармоқ энг тез ўсувчи тармоқлардан бири, замонавий қурилмалар, ахборот-коммуникация ва электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали иқтисодиётни ривожлантирмоқда. Инвестициялар ва технологияларни жорий этиш бу соҳадаги барқарор ўсишни таъминламоқда.

Энг юқори ўсиш суръати: 2021 йилда 16% ва 2025 йилда 17,1%. Бу соҳада замонавий йирик заводлар ва Хитой бренди автомобилларини йиғиш таъсири сезиларли. Автомобилсозлик миллий иқтисодиётда инновацион ва экспортга йўналтирилган секторга айланмоқда. Барча тармоқларда ўсишдаги пасайишлар ва тикланишлар иқтисодий цикллар, ташқи талаб ва ички инвестициялар билан боғлиқ. Электротехника ва автомобилсозлик тармоқлари инвестициялар ва технологик модернизация таъсирида тезроқ ўсмоқда. Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари ишлаб чиқариш ва ички талаб билан боғлиқ барқарор ўсиш кўрсатмоқда.

2021–2025 йилларда барча тармоқларда ўсиш кузатилган, энг тез ўсувчи тармоқлар — автомобилсозлик ва электротехника. Кимё саноати ва озиқ-овқат саноати кўпроқ ички талаб ва модернизация орқали ўсмоқда. Ушбу маълумотлар иқтисодиётнинг реал секторининг турли тармоқларида инвестициялар ва инновацияларнинг аҳамиятини кўрсатади.

Саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш, қўшилган қиймат улушини кенгайтириш ва яшил иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш амалий менежмент қарорларига боғлиқ. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, технологияни янгилаш, кадрлар малакасини ошириш ва бошқарув моделларини оптималлаштириш бир-бирига боғлиқ жараёнлардир ва уларни комплекс ёндашувисиз амалга ошириш самара бермайди.

Бизнинг фикримизча қуйидаги келтирилган таклифлар саноат корхоналарни самарали бошқаруви учун муҳим ҳисобланади:

4) Технологик модернизацияни режалаштиришда тадрижий моделни қўллаш:

○ Ускунани бир вақтда тўлиқ янгилаш эмас, балки линиялар бўйича босқичма-босқич оптимизация самаралидир.

○ Энергия самарадор ускуналарни танлашда эксплуатация харажатлари асосий мезон сифатида белгилаш лозим.

5) Кадрлар салоҳиятини оширишда дуал моделни жорий этиш:

○ Корхона қошида амалий ўқув марказлари ташкил этиш;

○ Ишчиларнинг малака разрядини аттестация орқали мунтазам ошириб бориш.

6) Менежмент самарадорлигини ошириш:

○ Lean management, Kaizen, TPM амалиётларини босқичма-босқич жорий этиш;

○ Корхонада ички аудит ва KPI тизимини ишлаб чиқиш.

7) Қиймат занжирини тўлиқ шакллантириш:

○ Хомашё → ярим-тайёр маҳсулот → тайёр маҳсулот → экспорт йўналишлари ягона бошқарув тизимида интеграциялаш.

8) Экспорт стратегиясини қайта кўриб чиқиш:

○ Маҳсулотларни брендлар ва бозорда позициялар бўйича маркетинг бўлимларини кучайтириш;

○ Логистика ва ташув харажатларини қисқартириш учун минтақавий хабардан фойдаланиш.

9) Яшил иқтисодиёт тамойилларини корхона сиёсатига киритиш:

○ Электр сарфини 15–25% га камайтиришни ўз ичига олган йиллик энергия тежаш дастурини қабул қилиш;

○ Чиқиндиларни қайта ишлаш ва қайта ишлатишни 30–50% гача ошириш.

Бу таклифларнинг амалий аҳамияти шундаки, улар саноат корхоналарида рақобатбардошликни ошириш ва қўшилган қиймат занжирини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mahmudov, E. X. (2021). *Sanoat klasterlari rivojlanishining iqtisodiy va tashkiliy asoslari* (DSc dissertation abstract). Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti.
2. Abdurakhmanov, Q. X. (2019). *Mehnat iqtisodiyoti*. Toshkent: Fan nashriyoti.
3. International Labour Organization. (2023). *ILOSTAT: Labor productivity database*. <https://ilostat.ilo.org>
4. Porter, M. E. (1990). *The competitive advantage of nations*. New York, NY: Free Press.
5. UNIDO. (2023). *Industrial Development Report 2023: Industrial policy for sustainable development*. Vienna: United Nations Industrial Development Organization.
6. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi. (2024). *Sanoat rivojlanishi bo‘yicha yillik statistik ma’lumotlar*. <https://stat.uz>
7. World Bank. (2023). *Green Transition in Central Asia: Country diagnostic for Uzbekistan*. Washington, DC: World Bank.
8. Export.gov. (2023). *Uzbekistan Textile and Apparel Sector Overview*. U.S. International Trade Administration.
9. Nasirov, D. A. (2022). Sanoat klasterlari rivojlanishida innovatsion boshqaruvning o‘rni. *Iqtisodiyot va innovatsiya jurnali*, 3(4), 112–124.